

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02./30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

САБИРОВ БАХТИЁР ТОХТАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН БЕНТОНИТ ГИЛЛАРИ АСОСИДА РУЛОНЛИ
ГИДРОИЗОЛЯЦИОН МАТЕРИАЛ ВА КЕРАМИК КОШИНЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 – Силикат ва қийин эрувчан нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation Doctor of science (DSc)

Сабилов Бахтиёр Тохтаевич

Ўзбекистон бентонит гиллари асосида рулонли гидроизоляция материал ва керамик кошинлар олиш технологиялари.....3

Сабилов Бахтиёр Тохтаевич

Технологии получения рулонного гидроизоляционного материала и керамических плит на основе бентонитовых глин Узбекистана.....29

Sabirov Bakhtiyor Tokhtaevich

Technologies for producing roll waterproofing material and ceramic tiles based on bentonite clays of Uzbekistan.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.02./30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

САБИРОВ БАХТИЁР ТОХТАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН БЕНТОНИТ ГИЛЛАРИ АСОСИДА РУЛОНЛИ
ГИДРОИЗОЛЯЦИОН МАТЕРИАЛ ВА КЕРАМИК КОШИНЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 – Силикат ва қийин эрувчан нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/T216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iopx.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Намязов Шафоат Саттарович
академик, техника фанлари доктори, профессор

Қодирова Зулайхо Раймовна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркаев Ахтам Улашевич,
техника фанлари доктори, профессор

Реймов Ахмед Мамбеткаримович
техника фанлари доктори, профессор

Толинов Нигмат Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «29» сентябрь соат «15⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек кўчаси, 77а. Тел.: (99871) 262-56-60; e-mail: iopxanguz@mail.ru

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.(13 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, ул. Мирзо-Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2020 йил «15» сентябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «15» сентябрь №13 рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

М.И.Искандарова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қонисидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунида жаҳонда табиий хом ашёларни комплекс қайта ишлаш ва улардан оқил фойдаланиш учун юқори технологияли ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга ёрдам берадиган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий вазифа ҳисобланади. Ушбу йўналишда минерал хом-ашёнинг бошқа турлари билан бир қаторда бентонит хом ашёсининг кимёвий ва минералогик таркиби, хусусиятлари, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш, ҳамда уларни кейинчалик қўллаш соҳасини ҳисобга олган ҳолда бентонит хом ашёсини комплекс қайта ишлашнинг янги усуллари яратиш ва янги самарадор технологияларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

Жаҳон амалиётида бентонит гиллари асосида махсус гидротехник иншоатларнинг қурилишида қўлланувчи рулонли гидроизоляцияцион материалларни олиш бўйича куйидаги илмий ечимларни асослаш зарур: бентонит гили намуналарининг физик-кимёвий таркиблари, бўқиш кўрсаткичини ошириш; фаоллаштириш ва модификациялашнинг мақбул усуллариининг кўрсаткичларини аниқлаш; бентонит гиллари асосидаги композицияларнинг гидроизоляцияцион хусусиятларини яхшилашга турли модификацияловчи қўшимчаларнинг таъсирини аниқлаш ва уларни танлаш; гидроизоляцияцион композицияларнинг асосий хоссалари ва уларнинг таркиби, ҳамда фаоллаштириш ва модификациялаш шароитлари ўртасидаги функционал боғлиқликни аниқлаш зарур.

Республикада маҳаллий бентонит гиллари асосида бурғулаш эритмалари тайёрлашда, керамик материаллар олиш ва бошқа соҳалар бўйича муайян илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегиясида” «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан янги очилган маҳаллий бентонит гилларининг конлари - Лоғон, Шофиркон ва ҳ.з конларини бентонит гиллари асосида махсус гидротехник иншоатлар қурилиши эҳтиёжлари учун рулонли гидроизоляцияцион материалларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли “Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштиришга доир

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сонли "Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларга мўлжалланган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва кўпайтириш бўйича давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Бентонит гилларининг таркиби, тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Institut für anorganische Chemie der Universität Kiel (Германия), Department of Environmental Science, Hangzhou, Zhejiang University (Хитой), Department of Resources National Cheng Kung University Tainan Taiwan (Тайван), Department of Civil Engineering, National University IQRA (Покистон), А.Н. Фрумкин номидаги Физик Кимё ва Электрокимё Институти ва Саратов Давлат технология университети (Россия), А.В. Думанский номидаги Коллоид кимё ва сув кимёси институти, П.Г.Меликшвили номидаги Физика ва Органик кимё институти (Грузия), Умумий ва ноорганик кимё институти (Белорусия), А.Б. Бектуров номидаги Кимё фанлари институти (Қозоғистон) ва Умумий ва ноорганик кимё институтиларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда табиий бентонит гиллари асосида модификацияланган органофил бентонитни ишлаб чиқариш, уларни адсорбент сифатида ишлатиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: алкил аммоний ионлари билан бентонитларнинг модификацияси ва адсорбция хусусиятларининг ўзгариши аниқланган (Institut für anorganische Chemie der Universität Kiel, Германия); сув буғини, азотни, тўрт карбонат хлоридни, бензолни ютиши натижасида гетероциклик аммоний тузлари билан модификациялаш адсорбцион хусусиятлари аниқланган (Department of Environmental Science, University, Хитой); ўсимлик мойларини оқартириш учун синтезланган бентонитлар яратилган (National University IQRA Миллий университети, Покистон); поляр ва поляр бўлмаган моддаларни гил ва кўмир адсорбентлари билан адсорбция қилиш механизми ишлаб чиқилган (Коллоид ва сув кимёси институти,

²Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларининг таҳлили: //www.ncbi.nlm.nih.gov, <https://person.zju.edu.cn/>, <https://cee.illinois.edu/national-cheng-kung-university>, <http://inu.edu.pk/ph-d-civil-engineering/>, www.phyche.ac.ru, <http://www.sstu.ru>, <http://icwc.org.ua>, <http://ihn.kz/>, www/ionx.uz.

Украина); сув таркибидаги нефть маҳсулотларни сорбцияловчи органодификацияланган бентонитлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган (Саратов Давлат техника Университети, Россия).

Дунёда бентонит гилларини тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли усуллар ва моддалар ёрдамида фаоллаштирилган ва модификацияланган бентонитларни олиш, аввалдан белгилаб берилган техник-эксплуатацион ва сифат кўрсаткичларига эга товар маҳсулотини олиш; маҳаллий бентонит гили асосида рулонли гидроизоляция материал олишнинг ишлаб чиқариш технологиясини ва техник хужжатларини ишлаб чиқиш; олинган намуналарни стандарт талабларига мувофиқ физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиёт манбаларида бентонит гилларининг хусусиятлари, структураси ва фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотлар Grim R.E., By John W., Hosterman, Sam H., Patterson U.S., Uddin F., Murray H., Karalis T., Kontaxi M., Androulakis T., Shtiza A., Doome R., Wyart M., Krishnamoorti R., Vaia R.A., Washington D.C., Kryszewski M., Lagaly G., Pinnavaia T.J., Sun D.A., Lv H.B., Wei Ch.F., Bao Y., Jiang D. Gong J., Carroll D., Starkey H.C., Elmashad M.E., Ata A.A., Abu zeid M.M., Abdel-al A.K., Roland Pusch., James Wilson J., Savage D., Bond A., Watson S., Pusch R., Bennett D., Bao Y., Jiang D. Gong J., Ле-Шателье, В.И.Вернадский, М.С.Мерабишвили, Н.Н.Круглицкий, А.Е.Ферсман, П.А.Ребиндер, М.К.Гальперина, В.Л.Балкевич, А.И.Августиник, В.И.Верещагин, В.Ф.Павлов, Я.Е.Гегузин, В.П.Петров, Ю.И.Тарасевич, И.В.Попов, О.Н.Каныгина, В.В.Наседкин, Ф.А.Трофимова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилганлиги кенг ёритилган. Керамик қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг хом ашё базасини кенгайтириш ва улардан фойдаланишни самарадорлигини оширишга бағишланган илмий ишланмалар В.З.Абдрахимов, Н.А Вильбицкая, В.А.Гурьева, Г.Т.Адылов, А.А.Галенко, Е.И.Евтушенко, А.Д.Жукова, А.П.Зубехин, Б.К.Кара-сала, Ю.Е.Пивинский, А.И.Позняк, А.М.Салахов, Н.Ф. Солодко, А.Д. Шильцина, Н.Д. Яценко, А.И.Позняк, И.А.Левицкий, С.Е.Баранцева, Н.И.Богданов, В.Г.Хозин, Л.А.Абдрахманова, А.Н.Богданов, Т.О.Оразбек, Ю.А.Щепочкина ва бошқаларнинг ишларида тақдим этилган.

Ўзбекисонда бентонит гилларини тадқиқ этиш бўйича тадқиқотчи-олимлар, академиклар: К.С.Ахмедов, Ш.С.Намозов, А.И.Глушенкова, профессорлар: М.З.Закиров, К.К.Курбанниёзов, Э.А.Арипов, Н.А.Сирождидинов, С.С.Хамраев, А.А.Агзамходжаев, С.З.Мўминов, Ф.Л.Глекель, И.А.Азимов, А.П.Иркаходжаева, У.К.Ахмедов, З.Р.Қодирова, Г.Р.Нарметова, Г.У.Рахматқориев, С.Н.Аминов, М.Мирсаидов, Х.Ч.Чинникулов, А.У.Мирзаев, Д.С.Салиханова ва бошқалар шуғулланганлар. Профессор Ф.Х.Таджиев раҳбарлигида Марказий Осиёда жойлашган турли конлардаги бентонит гиллари ва соғтупроқларидан керамик материаллар, жумладан қурилиш ғишти олишда юқори ҳароратдаги пишиш жараёнлари ўрганилган. Профессор А.М.Эминов раҳбарлигида

бентонитнинг чинни массасининг керамик-технологик хусусиятлари ва маҳсулотнинг физик-техник хоссаларига таъсири ўрганилган.

Бироқ, бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида бентонит гили асосида гидроизоляцияцион композицияларни ишлаб чиқиш, уларни гидротехник иншоотларнинг қурилишида фойдаланиш мақсадида фаоллаштириш ва модификациялаш бўйича илмий-тадқиқотлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, тезлатилган усулда кошинлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган керамик массалар учун асосий гилли хом ашё сифатида маҳаллий бентонит гилларидан фойдаланган ҳолда керамик плиткалар ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар мавжуд эмас. Мавжуд маълумотлар фақат узок давом этадиган ва кўп энергия сарфланиши билан ажралиб турувчи юқори ҳароратдаги қуйдириш жараёнини ва қурилиш керамикасининг тузилишини ўрганиш билан чекланган. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги турли конларнинг бентонит гилларини қайта ишлашнинг усуллари, ҳамда технологик асосларини ишлаб чиқиш ва қиёсий кўрсаткичларини аниқлашга оид маълумотлар, шу жумладан гидроизоляцияцион материаллар, шунингдек тезлатилган усулда қуйдириш шароитида керамик кошинлар олишда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш мақсадида ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-Т239 «Ўзбекистон бентонит гиллари асосида янги гидроизоляцияцион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзуидаги амалий ва Т.3-16 «Ишқорий ер бентонитлари иштирокида қаттиқ ҳолатдаги поликомпонент системаларнинг фазавий ўзгаришларининг қонуниятлари» (2016-2017 йй.) мавзуидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон бентонит гиллари асосида рулонли гидроизоляцияцион материал ва керамик кошинлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бентонит гили намуналарининг моддий, физик-кимёвий таркибларини тадқиқ этиш, бўқиш кўрсаткичини ошириш, фаоллаштириш ва модификациялашнинг мақбул усуллари, ҳамда асосий кўрсаткичларини аниқлаш;

бентонит гиллари асосидаги композицияларнинг гидроизоляцияцион хусусиятларини яхшилашга турли модификацияловчи қўшимчаларнинг таъсирини аниқлаш ва уларни танлаш;

гидроизоляцияцион композицияларнинг хоссалари ва уларнинг таркиби, ҳамда фаоллаштириш ва модификациялаш шароитлари ўртасидаги функционал боғлиқликни аниқлаш;

олинган натижаларни ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш йўли билан апробациядан ўтказиш ва рулонли гидроизоляцияцион материалнинг тажриба-саноат намунаси ва туркум маҳсулотини олиш;

маҳаллий бентонит гили асосида рулонли гидроизоляция материал олишнинг ишлаб чиқариш технологиясининг схемасини ва техник хужжатларини ишлаб чиқиш;

Лоғон бентонит гилидан фойдаланиб керамик кошнлар учун керамик массалар таркибларини ишлаб чиқиш ва улардан тайёрланган тажриба намуналарининг керамик-технологик хусусиятларини тадқиқ этиш;

керамик массаларнинг мақбул таркиблари ва уларнинг таркибидаги компонентлар миқдорининг термик ишлов бериш шароитларига функционал боғлиқлигини аниқлаш;

икки компонентли “бентонит-бархан куми” ва уч компонентли “бентонит-глиеж-бархан куми” композициялари асосидаги керамик массаларнинг юқори ҳароратдаги фазавий ўзгаришлари, керамик намуналарнинг физик-кимевий ва технологик хоссаларини ўрганиш;

олинган намуналарни амалдаги стандарт талабларига мувофиқ физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш;

мақбул таркибларни ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш йўли билан тадқиқот натижаларини апробация қилиш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишдан олинадиган иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида Ўзбекистоннинг бентонит гиллари ва бошқа минерал хом-ашё ресурслари, бентонит гилларининг фаоллаштирилган ва модификацияланган намуналари, рулонли гидроизоляция материалларнинг тажриба намуналари, ишлаб чиқилган керамик масса таркибларидан тайёрланган тажрибавий керамик кошнлар намуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети гидроизоляция композицияларнинг физик-кимевий, антифилтрацион хусусиятларини ва тезлатилган усулда юқори ҳароратда керамик массалардан тайёрланган намуналарнинг структура ҳосил бўлиш жараёнлари ва пишишини ўрганиш, лабораториядаги тажрибаларда ва ишлаб чиқариш шароитидаги синовларни бажариш йўли билан керамик массаларнинг мақбул таркиблари ва технологик режимларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимевий усуллари ва керамик технологиянинг анъанавий физик-механик усуллари, ASTM D ва СЕС TP таснифлари бўйича тест синов усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон янги очилган бентонит гили конларининг кимё-минералогик таркиби, физик-кимевий хоссалари, жумладан, илк бор таркибида ишқорий ер элементлари тутган Лоғон бентонитининг юқори ҳароратдаги физик-кимевий жараёнлар, янги кристалл фазалар ҳосил бўлишлари, ҳамда уни модификациялаш усуллари аниқланган;

Лоғон бентонит гилининг монтмориллонит – гидрослюда шаклидаги полиминерал гиллар гуруҳига мансублиги амалда исботланган;

Лоғон ишқорий ер бентонитининг Na_2CO_3 билан модификациялаши натижасида паст қийматли ($3,1 \cdot 10^{-10}$ см/сек) филтрация коэффициентига эга бўлган гидроизоляция материаллари олинган;

Лоғон бентонит гили асосидаги намуналарнинг гидроизоляция хоссаларига монтмориллонит минералининг ва модификацияловчи қўшимчаларнинг таъсири, уларнинг мақбул миқдорлари аниқланган;

таркибида кам миқдорда монтмориллонит бўлган бентонит гили асосидаги куйдирилган намуналарнинг керамик-технологик хусусиятлари аниқланган;

Лоғон бентонити, Ёзёвон бархан қуми ва Ангрен глиежи асосидаги иккиламчи ва учламчи системаларида 900-1450°C ҳарорат оралиғида қаттиқ фазали реакциялар натижасида янги структурали кристалл фазалар ҳосил бўлиши аниқланган;

Лоғон бентонити асосидаги иккиламчи ва учламчи системаларда компонентларнинг куйдириш жараёнидаги ўзаро таъсир механизмлари, кинетикаси, 1050-1145°C ҳарорат оралиғида (масс.%) 50,9-63,1 анорит; 24,9-36,8 кварц; 17,8 альбит ва 6,3-12,8 шпинель минералларининг кристалл фазалари ҳосил бўлиши аниқланган;

ишлаб чиқилган таркибдаги керамик материалларнинг физик-кимёвий, технологик ва эксплуатация хоссаларининг, уларнинг компонент таркибига ва термик ишлов бериш режимларига функционал боғлиқлиги аниқланган;

асосий компонент сифатида керамик омукталарга 20-25 масс.% миқдорида бентонит гили қўшилган янги таркиб намуналарини 1145°C ҳароратда тезлатилган усулда куйдиришнинг мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Лоғон кони бентонит гилини фаоллаштириш ва модификациялаш йўли билан бентонит асосида рулонли гидроизоляция материаллари ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган;

технологик жараёнда бентонит гилини фаоллаштириш ва модификация қилиш жараёнига таъсир кўрсатадиган модификациялаштирувчи қўшимчалар танлаб олинган ва мақбул фракциялар таркиби ва уларни олиш усуллари ишлаб чиқилган;

“САЙҚАЛ” савдо-ишлаб чиқариш корхонаси билан биргаликда TSh 64-17806977-03: 2010 «“Ўзбент” гидроизоляция тўшаги» ишлаб чиқилган;

"САЙҚАЛ" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси шароитида рулонли гидроизоляция материал серияли ишлаб чиқарилди ва "Ўзбент" гидроизоляция материаллари ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилган;

Лоғон бентонит гилидан фойдаланган ҳолда бошқа маҳаллий минерал хом ашёлар билан биргаликда керамик плиткалар ишлаб чиқариш учун керамик массанинг мақбул таркиби ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ASTM D ва СЕС ТР тизимларининг замонавий халқаро синов стандартларидан фойдаланган ҳолда аналитик, физик-кимёвий таҳлиллар, лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқариш синовлари натижалари, шунингдек, керамик материаллар ишлаб чиқариш технологиясининг стандартлари талаблари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сифатида бентонит гили асосидаги рулонли гидроизоляция материаллар ва бентонит гилидан фойдаланиб олинган пардозбоп керамик кошнлар учун мўлжалланган керамик массаларнинг асосий физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларининг функционал боғлиқлигига оид олинган маълумотлар олишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, биринчи марта Лоғон конининг ишқорий ер бентонит гили асосида рулонли гидроизоляция материални ишлаб чиқаришнинг янги технологияси ишлаб чиқилган ва жорий қилинган. Асосий минерал ҳисобланган монтмориллонит нисбатан кам миқдорда бўлган бентонит гилидан асосий гилли компонент ва пишиш жараёнини тезлатувчи сифатида фойдаланган ҳолда бошқа маҳаллий хом ашё ресурслари билан бирга пардозбоп керамик кошнлар учун мўлжалланган керамик масса таркиби ишлаб чиқилган ва мақбуллаштирилган. Тадқиқот натижалари қурилиш материаллари саноати хом ашё базасини кенгайтиради ва қурилиш индустриясини сифатли пардозбоп керамик материаллар билан таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Ўзбекистон бентонит гиллари асосида рулонли гидроизоляция материал ва керамик кошнлар олиш технологияларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ўзбент” рулонли гидроизоляция материал учун техник шарти (TSh 64-17806977-03:2010) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган. Мазкур техник шарт ишлаб чиқаришда технологик жараёни ташкил этиш ва маҳсулот сифатини техник назоратини тартибга солишга имкон берган;

«Ўзбент» рулонли гидроизоляция материал ишлаб чиқариш технологияси «ART GLOSS GALLERY» МЧЖ амалиётга жорий этилган («Ўзқурилишматериаллари» АЖ 2017 йил 29 декабрдаги ББ-01/03-5140-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хом ашё асосида махсус сув иншоатлари қурилиши эҳтиёжлари учун янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ва қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодий самара олиш имконини берган;

Лоғон бентонит гили асосида ва бошқа маҳаллий минерал компонентлардан фойдаланиб янги ишлаб чиқилган керамик массалар таркиблари «ART GLOSS GALLERY» МЧЖ амалиётга жорий этилган («Ўзқурилишматериаллари» АЖ 2017 йил 29 декабрдаги ББ-01/03-5140-сон маълумотномаси). Натижада бентонит гилидан нафақат қовушқоқликни оширувчи қўшимча, балки юқори ҳароратда борадиган пишиш жараёнини жадаллаштирувчи асосий гилли хом ашё материаллари сифатида фойдаланиш ва хом ашёга сарфланадиган харажатларни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 16 та халқаро ва 15 та республика илмий-техника анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 180 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гидроизоляция ва керамика қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда бентонит гилларидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида илмий-техник адабиётларда эълон қилинган ишларнинг танқидий таҳлилини муҳокама қилиш натижалари, бентонит гилларининг минерал-хом ашё базасининг таҳлили, таркиби, хусусиятлари ва комплекс ўрганишнинг инновацион усуллари, гидроизоляция ва керамик материаллар ишлаб чиқаришда бентонит гилларини қайта ишлаш ва улардан фойдаланишга оид маълумотлар келтирилган.

Чоп этилган асарларни танқидий таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш асосида ушбу изланишларнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган.

Диссертациянинг **“Ноорганик хом ашё материалларини ва тажриба намуналарини физик-кимёвий ва технологик тадқиқ этиш”** деб номланган иккинчи бобида бентонит гилларига хом ашё сифатида қўйиладиган замонавий стандарт талаблари келтирилган. Бентонит гилларини қайта ишлаш, фаоллаштириш ва модификациялаш усуллари баён этилган.

Янги гидроизоляция материаллар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тажриба изланишларини ўтказиш учун турли физик-кимёвий усуллар ва асбоб-ускуналардан фойдаланилган.

Керамика технологиясига кўра, тажриба намуналари ҳўл усул билан тайёрланган, яъни аввал шихта тайёрланиб, компонентлар биргаликда шарли тегирмонда майдалаб, ҳосил бўлган шликерни қуритиш ва пресс-кукун тайёрлаш, пресс-кукунни тиндириш ва пресс-кукундан ярим куруқ усулда пресс-қолипларда намуналарни қолиплаш йўли билан тайёрланган. Тажриба намуналарини юқори ҳароратларда силит қиздиргичли лаборатория

печларида 900-1450°C ҳарорат оралиғида куйдириш йўли билан амалга оширилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистон конларидаги бентонит гилларини ўрганиш ва уларнинг кимёвий фаоллиги ва гидроизоляция материалларни ишлаб чиқариш учун кимёвий фаоллаштириш” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистондаги мавжуд бентонит конларидаги бентонит гилларининг кимёвий ва минералогик таркиблари ва физик-кимёвий хусусиятларини қиёсий ўрганиш натижалари, намуналарининг бўқиш коэффицентлари келтирилган. Модификацияловчи ноорганик реагентларнинг бентонит гиллари намуналарининг технологик хусусиятларига таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Модификация усуллари ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон бентонит гиллари асосида гидроизоляция композицияларнинг хусусиятлари ўзгаришига ноорганик реагентларнинг таъсири ўрганилган.

Лоғон кони бентонит гиллари асосида гидроизоляция материалларининг янги таркибий қисмларининг технологик ва эксплуатацион хусусиятлари ўрганилган. Технологик схема ишлаб чиқилган, гидроизоляция материални ишлаб чиқариш учун ускуналар ва мақбул жиҳозларнинг параметрлари танланган.

Тадқиқотлар учун Лоғон (Фарғона вилояти), Каттакўрғон (Самарқанд вилояти), Шофиркон (Бухоро вилояти), Бештубе (Қорақалпоғистон Республикаси) каби Ўзбекистоннинг турли конларида жойлашган бентонит гилларининг намуналари танлаб олинди. Шунингдек, таққослаш учун Навоий вилоятидаги Азкамар ва Навбахор конларидан намуналар танлаб олинди.

Кимёвий таҳлил натижалари (1-жадвал) шуни кўрсатадики, баъзи элементларнинг кимёвий таркиби ва миқдorigа кўра бентонит намуналари бир-биридан фарқ қилади. Таққослаш учун маълумот сифатида Шимоллий Вайоминг (АҚШ) ва Азкамар конларидан олинган бентонит гиллари намуналари таҳлили натижалари келтирилган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, кремнийнинг миқдори бўйича барча ўрганилаётган намуналар бир-бирига яқин ва улар 43,72 % дан 59,24 % гача оралиқда ўзгаради. Каттакўрғон ва Шофиркон-3 ва Шофиркон-4 намуналарида намлик, уларнинг таркибида кўпроқ кум мавжудлиги сабабли кремнийнинг (SiO_2), энг юқори миқдорини кўрсатади. Намуналарни механик равишда бойитиш билан кремнезем миқдорини бирмунча камайтириш мумкин. Намуналар таркибида Al_2O_3 миқдори 12,87 % дан 18,08 % гача ташкил этади.

Бунда, барча ўрганилаётган намуналардаги CaO миқдори 3,08 % дан 0,84 % гача, Шафиркон-2 ва Навбахор намуналари эса бундан мустасно, бу ерда унинг таркиби 7,29 ва 15,10 % ни ташкил қилади. Вайоминг (АҚШ) бентонити намунасида CaO миқдори 0,49 % ташкил этади. Бентонит гиллари учун K_2O ва Na_2O ларнинг миқдори жуда катта аҳамиятга эга. Ўрганилган намуналардаги Na_2O миқдори ҳам фарқ қилади, чунки Лоғон, Каттакўрғон, Шафиркон-1 бентонитлари намуналарида – 2 %, Шафиркон-4 ва Азкамар

бентонитида унинг миқдори 1,06 % дан 2,84 % гача, Бештүбе намунасида эса 1,80 дан 2,24 % гача, ишқорий оксидларнинг таркиби, хусусан, Вайоминг бентонитидаги (АҚШ) Na_2O миқдори 2,76 %, Азкамар намунасида эса 2,84 % ни ташкил қилади.

1-жадвал

**Ўзбекистондаги турли бентонит гиллари конлари
намуналарининг кимёвий таркиби**

Коннинг номи	Оксидларнинг миқдори, масс.%									
	SiO_2	TiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	MgO	CaO	Na_2O	K_2O	SO_3	КЙ**
Лоғон-1	55,05	0,71	16,67	5,60	1,71	2,52	1,74	4,28	0,31	10,86
Лоғон-2	56,6	0,57	16,05	5,24	1,60	2,81	1,94	3,97	0,13	11,04
Лоғон-3	56,33	0,55	15,09	5,37	1,46	2,64	2,03	3,57	0,16	12,43
Каттақўрғон	57,62	0,78	16,63	5,63	2,32	1,4	1,06	4,05	0,36	9,76
Шафиркон-1	57,65	0,87	13,69	5,77	1,81	3,08	1,12	1,72	2,59	11,21
Шафиркон-2	43,72	0,54	12,87	4,17	4,74	7,29	2,43	1,86	3,23	19,01
Шафиркон-3	59,24	0,99	15,53	6,09	1,71	1,96	1,49	1,87	0,14	10,86
Шафиркон-4	58,02	0,85	18,08	5,693	1,71	0,84	2,04	3,85	0,11	8,56
Азкамар	58,62	0,78	15,92	5,20	2,72	0,84	2,84	2,08	0,17	10,82
Навбахор	45,73	0,36	7,24	3,30	3,42	15,1	0,93	0,92	0,49	21,85
Бештүбе-1	62,54	0,82	17,06	5,00	2,02	0,98	1,80	1,80	0,32	7,1
Бештүбе-2	65,40	0,79	15,75	4,78	1,91	0,98	2,16	2,16	0,28	5,36
Вайоминг(АҚШ)*	55,44	-	20,14	3,67	2,49	0,49	2,76	0,60	-	13,5


*Вайоминг бентонитининг кимёвий таркибига оид маълумотлар [htt://gnbtehn.ru/bentonit](http://gnbtehn.ru/bentonit) сайтидан таққослаш учун олинди.

** - куйдиришдаги йўқотиш (КЙ), % ҳисобида

Ўзбекистоннинг турли конларидаги бентонит гиллари намуналарининг минералогик таркиби рентгенофазавий таҳлил ёрдамида аниқланди. Дифракцион тасвирлари ДРОН - 4.0 аппаратида кукун усули билан CuK_α - ва CoK_α нурланишидан фойдаланган ҳолда Ni – фильтри билан олинди.


Фарғона вилояти Лоғон конининг бентонит гилларини рентгенофазавий тадқиқ қилиш (1-расм) монтмориллонитга мос келадиган дифракция чизиқлари мавжудлигини кўрсатди: $d=0,448; 0,325; 0,258; 0,199$ ва $0,167$ нм, юқори алумина монтмориллонит-бейделлит $d=0,725; 0,363$ ва $0,229$ нм, шунингдек, кварцнинг характерли чизиқлари $d=0,427; 0,335$ ва $0,181$ нм.

Кимёвий таҳлил натижалари (1-жадвал) шуни кўрсатдики, Лоғон бентонит гилида 16,67 % Al_2O_3 мавжуд, бу эса рентгенофазавий таҳлил ёрдамида бейделлит минералининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар билан тасдиқланган.



1-расм. Лоғон кони бентонит гили намунасининг рентгенограммаси

Лоғон кони бентонит гилининг дифференциал-термик таҳлили (2-расм) иккита эндотермик эффектни кўрсатади, бири 130-160 °С, иккинчиси 550-600 °С ҳароратда кузатилади. Биринчиси 30-120°С ҳароратда бентонитнинг қатламлараро тузилишидан сувни чиқиб кетишига мос келади. 500-550°С га мос келадиган иккинчи эндотермик таъсир структуравий гидроксил гуруҳларининг парчаланишини ва уларнинг сувсиз ҳолатга ўтишини кўрсатади. 250-350°С ҳароратда силлиқ экзотермик таъсир органик қўшимчаларнинг ёнишини кўрсатади. 650-680°С ҳароратдаги экзоэффект аморф парчаланиш маҳсулотларининг кристалланишини кўрсатади.



2-расм. Лоғон кони бентонит гилининг ДТ таҳлили

Шундай қилиб, кимёвий, оптик, электрон микроскопик, рентгенофазавий ва дифференциал-термик таҳлил усулларидадан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида жойлашган бентонит гиллари намуналарини ўрганиш, уларнинг таркибида смектит гуруҳининг бир қатор минераллари - монтмориллонит, бейделлит, иллит ва шу гуруҳдаги бошқа минералларнинг учраши уларни шубҳасиз бентонит гиллари синфига киритиш мумкинлигини кўрсатади.

Бентонит гилларининг бўкиш коэффиценти бентонит гилларининг асосий физик хусусиятларидан биридир. Лаборатория шароитида бентонит гилининг бўкиш коэффицентини аниқлаш учун Фарғона вилояти Лоғон

кони бентонит гилидан намуналар олинган, уларнинг ўртача кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Лоғон кони бентонит гилининг кимёвий таркиби

Оксидларнинг миқдори, масс.%									
SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃	КЙ	сумма
50,11	17,56	13,69	1,92	0,37	1,0	2,38	0,2	10,80	98,03

Бунинг учун синов намуналари лаборатория печида 1 соат давомида 105-110 °С ҳароратда қуритилган, шундан сўнг улар хона ҳароратига қадар совутилгандан сўнг лаборатория чинни ҳавончасида майдаланган.

Лоғонконининг бентонит гиллари намуналарини бўкиш коэффициентининг дастлабки қийматлари ASTM D 5890 стандарт талаблари бўйича синовдан ўтказилди, уларнинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Лоғон бентонит гили дастлабки намуналарининг ASTM D 5890 талаблари бўйича бўкиш коэффициентлари

Намуна №	Намунанинг бўкиш коэффициенти, 2г/мл	Изоҳ
1	10	Эритманинг чўкма қисми чегараси яққол намоён бўлади
2	10	30 мл белгиси чегарасигача коллоид эритманинг хира қатлами, ундан юқорисида эса кузатилади, ундан юқорида эса энг майда заррачали қатлам жойлашади
3	10	Эритманинг чўкинди қисми (қатлами) яққол чегарада ажралиб туради
4	7	80 мл белгисигача муаллақ заррачали коллоид эритманинг хира қатлами, ундан юқорида эса энг майда заррачали қатлам кузатилади

Олинган натижаларга асосан бентонит гилини бентонитли рулонли гидроизоляция материалнинг сув ўтказувчанлигини камайтириш учун фойдаланиш мумкинлиги бўйича баҳолаш мумкин.

Ўтказилган тажриба синовлари шуни кўрсатдики, сода қўшимчасининг энг мақбул миқдори 2,5-3,0 % ни ташкил қилади. Шуни таъкидлаш керакки, тажриба намуналарнинг бўкиш коэффициенти 3 % миқдорида сода қўшилиши билан дастлабки намунага нисбатан 10 мл га кўтарилиб, 24 2г/мл ни ташкил қилади.

Юқори баландликдаги тўғонлар, турли хил сув омборлари, суғориш каналлари, чиқиндихоналар, металлари қайта ишлаш корхоналари ва бошқалар каби йирик гидротехника иншоотларининг қурилишида, уларни ишлатиш пайтида сув ресурсларини филтрация ҳисобига йўқотилиши камайтириш билан боғлиқ қатор мураккаб вазифаларни кўяди.

Филтрация коэффициентини аниқлаш учун Лоғон кони бентонит гранулаларининг тўртта намунаси олинган. Ўрганилаётган бентонит намуналарини филтрлаш кўрсаткичлари "Гидропроект" ОАЖнинг УЕРМЗ компрессион мосламаси асосида яратилган филтрацион-компрессия мосламасида амалга оширилди.

Тажрибалар натижалари ва олинган маълумотларни таққослаш (4-жадвал) шуни кўрсатадики, Лоғонбентонитларининг дастлабки барча тўртта синов намуналарида юқори фильтрация коэффициентлари кузатилади.

4-жадвал

Лоғон кони бентонит гили гранулаларининг фильтрация коэффициентлари

Бентонит намунасининг белгиланиши	Босим баландлиги, см	Фильтрация тезлиги, см ³ /сек	Градиент	Фильтрация коэффициенти, см ³ /сек
Лоғон № 1	95	$4,036 \cdot 10^{-6}$	95	$4,248 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 1	95,5	$2,924 \cdot 10^{-6}$	95,5	$3,061 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 1	100,5	$2,941 \cdot 10^{-6}$	100,5	$2,929 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 2	82,5	$1,398 \cdot 10^{-8}$	82,5	$1,695 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 2	92	$2,854 \cdot 10^{-5}$	92	$3,091 \cdot 10^{-7}$
Лоғон № 2	93	$1,772 \cdot 10^{-6}$	93	$1,906 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 3	97	$2,079 \cdot 10^{-6}$	97	$2,144 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 3	98	$2,330 \cdot 10^{-5}$	98	$1,191 \cdot 10^{-7}$
Лоғон № 3	99,5	$1,095 \cdot 10^{-6}$	99,5	$1,101 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 4	88,6	$2,713 \cdot 10^{-5}$	88,6	$1,102 \cdot 10^{-7}$
Лоғон № 4	89,5	$4,759 \cdot 10^{-6}$	89,5	$5,317 \cdot 10^{-8}$
Лоғон № 4	100	$9,622 \cdot 10^{-6}$	100	$5,913 \cdot 10^{-8}$

Олинган натижаларга асосланиб, бентогранула учун модификатор сифатида 3 % полиакриламид (ПАА) ва М-8 таркибида эса 1 % микдорда РС-2-3 реагентидан фойдаланилди. Ушбу таркибдаги композицияларнинг фильтрация коэффициентини аниқлаш бўйича синов натижалари (5-жадвал) шуни кўрсатадики, фильтрация коэффициенти ўртача $5,4 \cdot 10^{-7}$ дан $2,57 \cdot 10^{-9}$ см³/с гача пасаяди.

Лоғон кони бентонит гилининг сув ўтказмаслиги турли хил модификациялаштирувчи қўшимчаларнинг таъсирини ўрганиш учун 1-4 мм ўлчамдаги бентонит гранулаларининг ўртача намуналари олинган. Лоғон бентонит гилининг тажриба намуналари таркибида сув ўтказувчанликни пасайтириш учун қуйидаги органик ва ноорганик қўшимчалар: полиакриламид (ПАА); РС-2-3 реактиви; кальцинирланган сода (Na_2CO_3) турлича фоиз микдорларда қўшилди.

Лоғон конининг бентонит гилига асосланган тажрибавий гидроизоляция материалларини ишлаб чиқариш ва тажриба намуналарининг асосий физик-техник хусусиятларини синаш бўйича тажриба ишлари олиб борилди. Фарғона вилоятидаги “SAYQAL” савдо-ишлаб чиқариш корхонасининг (СИЧК) ишлаб чиқариш-синов линиясида Лоғон кони бентонит гиллари асосида гидроизоляция материалларининг биринчи тажрибавий туркуми ишлаб чиқарилди.

Юқоридаги компонентлардан фойдаланиб, “SAYQAL” СИЧК тажриба-ишлаб чиқариш линиясида гидроизоляция материалларининг тажриба-ишлаб чиқариш туркуми ишлаб чиқарилди. Ҳар бир ишлаб чиқилган композициядан 5 п/м (погонометр) микдорда гидроизоляция материал тайёрланди. Кимёвий реагентлар билан ишлов берилмаган асл ҳолатдаги гранулалардан, шунингдек ҳар хил қўшимчалар билан ўзгартирилган

бентонит гранулалари асосида бир қатор гидроизоляцияцион композициялар олинди.

5-жадвал

Турли қўшимчалар билан модификацияланган Лоғон кони бентонитларининг фильтрация коэффициентлари

Таркиблар индекси	Тажрибалар №	Фильтрация коэффициенти (K_{ϕ})		
		метр/секунд	сантиметр/секунд	метр/сутка
М-0	1	$2,95 \cdot 10^{-8}$	$3 \cdot 10^{-6}$	$3,4 \cdot 10^{-3}$
	2		$2,9 \cdot 10^{-6}$	
	3		$2,95 \cdot 10^{-6}$	
	Ўртача		$2,95 \cdot 10^{-6}$	
М-1	1	$3,1 \cdot 10^{-12}$	$3,1 \cdot 10^{-10}$	$3,6 \cdot 10^{-7}$
	2		$3,2 \cdot 10^{-10}$	
	3		$3,0 \cdot 10^{-10}$	
	Ўртача		$3,1 \cdot 10^{-10}$	
М-3	1	$4,3 \cdot 10^{-9}$	$5,5 \cdot 10^{-7}$	$4,9 \cdot 10^{-4}$
	2		$5,2 \cdot 10^{-7}$	
	3		$5,6 \cdot 10^{-7}$	
	Ўртача		$5,4 \cdot 10^{-7}$	
М-8	1	$2,57 \cdot 10^{-11}$	$2,8 \cdot 10^{-9}$	$3,0 \cdot 10^{-6}$
	2		$2,5 \cdot 10^{-9}$	
	3		$2,4 \cdot 10^{-9}$	
	Ўртача		$2,57 \cdot 10^{-9}$	
М-13	1	$1,49 \cdot 10^{-10}$	$1,94 \cdot 10^{-8}$	$1,72 \cdot 10^{-5}$
	2		$1,64 \cdot 10^{-8}$	
	3		$8,93 \cdot 10^{-9}$	
	Ўртача		$1,49 \cdot 10^{-8}$	

Лоғон конининг модификация қилинмаган бентонит гранулаларининг дастлабки 4 та намунасининг фильтрация коэффициентларини ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Лоғон кони дастлабки бентонит гранулаларининг 1,0 см қалинликдаги қатламининг фильтрация коэффициентлари


Намуналар №	Босим баландлиги, см	Фильтрация тезлиги, см ³ /сек	Градиент	Фильтрация коэффициенти, см ³ /сек
Лоғон № 1	95	$4,036 \cdot 10^{-6}$	95	$4,248 \cdot 10^{-7}$
Лоғон № 2	92	$2,854 \cdot 10^{-5}$	92	$3,091 \cdot 10^{-7}$
Лоғон № 3	98	$2,330 \cdot 10^{-5}$	98	$1,191 \cdot 10^{-7}$
Лоғон № 4	74,5	$2,280 \cdot 10^{-4}$	74,5	$3,050 \cdot 10^{-6}$

Тажриба синовлари ва олинган намуналарнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, модификацияланган Лоғон бентонит гили асосида рулонли гидроизоляция материалларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Ўзбекистонда бентонит гилларини бойитиш технологиясини ташкил қилишда асосий жинс ҳосил қилувчи минерал - монтмориллонит миқдорини ошириш ва натрийли модификацияловчи реагентлар билан ишлов бериш учун паст фильтрация коэффициенти эга бўлган рулонли гидроизоляцияцион материални олиш мумкин.

Лаборатория ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари асосида, гидроизоляция материалларини ишлаб чиқариш учун Лоғон конининг бентонит гиллари асосида гидроизоляция композицияларини ишлаб чиқариш бўйича лаборатория регламенти ишлаб чиқилган. Бентонитни модификациялаш (3-расм) ва гидроизоляция материалларини ишлаб чиқариш технологик схемалари (4-расм) қуйида келтирилган.



3-расм. Бентонит гилини модификациялашнинг технологик схемаси



4-расм. Бентонит гили асосида рулонли гидроизоляцияцион материал ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси

Диссертациянинг "Хом ашё материаллари ва бентонит гиллари асосида керамик кошнлар олиш учун масса таркибларини ишлаб чиқиш" деб номланган тўртинчи бобида масса таркибларини ишлаб чиқиш учун минерал компонентларнинг кимёвий-минералогик таркиби ва керамик-технологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. "Бентонит-қум" ва "бентонит-глиеж" композицион иккилик тизимларида, шунингдек "бентонит-қум-глиеж" учлик тизими таркибидаги қаттиқ фазадаги реакциялар ўрганилди.

Керамик масса таркибларини ишлаб чиқиш учун тажрибаларни қўйиш ва лаборатория тажрибаларини бажариш учун асосий хом ашёлар сифатида Ангрен глиежи, Ёзъёвон бархан қуми, шунингдек, Фарғона вилояти Шарқий Фарғонадаги Лоғон конининг бентонит гили танлаб олинди.

Керамик композицияларнинг тажрибавий таркибларини ишлаб чиқиш учун Ангрэн глиежи, Язьёвон бархан қуми ва Лоғон бентонит гилининг кимёвий ва минералогик таркиблари ўрганилди (7-жадвал).


7-жадвал

Керамик масса таркибидаги минерал хом ашёларнинг кимёвий таркиблари

Хом ашё материаллари номи	Оксидларнинг миқдори, масс. % ҳисобида										
	SiO ₂	TiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	MgO	MnO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃	КЙ
Ёзьёвон бархан қуми	61,40	0,43	10,78	3,43	2,72	0,02	6,15	2,15	2,63	0,34	9,65
Лоғон бентонит гили	56,6	0,57	16,05	5,24	1,60	0,03	2,81	1,94	3,97	0,13	11,04
Ангрэн глиежи	55,41	0,55	11,29	3,64	2,22	0,08	9,81	0,78	2,53	4,97	5,28

Тадқиқ этилаётган «бентонит-қум» ва «бентонит-глиж» тизимларининг фазавий ўзгаришлари ва пишиш жараёнларини ўрганиш учун юқори ҳароратли ҳароратларда содир бўладиган физик-кимёвий жараёнларнинг мураккаблигини ҳисобга олган лаборатория тажрибалари ўтказилди. Тадқиқотлар икки таркибий тизимларда "Лоғон ишқорий ер бентонит гили– Ёзьёвон бархан қуми" ва "ишқорий ер бентонит гили - Ангрэн глиежи" тизимларида олиб борилди.

Олинган маълумотларга кўра, ўрганилаётган композицияларнинг эриш ҳароратлари "бентонит–бархан қуми" ва "бентонит-глиеж" композицияларида бентонит таркибининг ошиши билан сезиларли даражада пасаяди. Ушбу композицияларнинг эриш нуқталари, таркибига қараб, мос равишда 1160-1270°C ва 1160-1210°C, 1210-1270°C, бошланғич таркибий қисмларининг эриш нуқталари оралиғида ўзгариб туради (5-расм).



5-расм. «Бентонит-глиеж» (а), «глиеж - бархан қуми» (б) и «бентонит-бархан қуми» (в) композицияларидаги намуналарнинг бошланғич компонентларнинг концентрацияси (миқдори) ортиши билан эриш ҳароратларининг ўзгариши

5-расмдан кўриниб турибдики, эриш ҳароратини аниқлашга оид маълумотлар асосида, "глиеж-бентонит", "бархан қуми -глиеж" ва "бархан қуми - бентонит" икки компонентли композициялар асосида ўрганилган

тажриба намуналари паст ҳароратда пишувчи массалар гуруҳига киритиш мумкин.


Бундан ташқари, иккита таркибий қисмлардан иборат Лоғон бентонит гили ва бархан қумидан иборат композицияларни тузилдига тайёрланди, унда БП сериясининг массаларини белгилашда рақамлар бентонит ва қумнинг % даги нисбатига мос келади, тажриба намуналарининг ҳаводаги ва умумий қисқариш параметрлари 1000-1180°C ҳарорат оралиғида пишиши ўрганилган (8-жадвал).

8-жадвал

“Лоғон бентонити-Ёзьёвон бархан қуми” икки компонентли тизимларидаги керамик массалардан тайёрланган ва 1000-1180°C ҳарорат оралиғида куйдирилган тажрибавий намуналарнинг ҳаводаги ва умумий ҳажмий кичрайишининг ўзгариши

Массанинг белгила-ниши	Ҳаводаги ҳажмий кич-райиш, %	Турли ҳароратларда (°C) куйдирилган намуналарнинг умумий ҳажмий кичрайиши, %							
		1000	1010	1030	1040	1050	1060	1070	1080
БП-100/0	0,6	3,4	4,0	4,8	5,4	5,7	6,0	Кўпчиш	Кўпчиш
БП-90/10	0,5	2,6	2,8	4,6	5,0	5,9	6,2	6,9	9,4
БП-80/20	0,4	2,1	2,2	3,6	4,4	6,1	6,3	6,7	7,2
БП-70/30	0,3	1,1	1,3	3,2	3,5	5,0	5,4	6,1	6,4
БП-60/40	0,2	1,9	2,0	2,3	2,8	6,2	7,0	7,8	9,2
БП-50/50	0,1	0,7	0,9	1,2	2,8	7,0	7,4	7,6	8,8
БП-40/60	0	0,2	0,3	2,8	6,6	7,4	7,8	8,0	8,2
БП-30/70	0	0	0	0,6	3,4	5,8	6,2	7,2	7,6
БП-20/80	0	0	0	0,8	3,4	6,4	7,3	7,5	7,8
БП-10/90	0	0	0	0,4	2,6	6,6	7,0	7,5	9,4

8-жадвалдаги маълумотлар ва ҳажмий кичрайишнинг ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариш чизигидан (6-расм, а ва б), кўриниб турибдики, намуналарнинг куйдириш ҳароратини ошиши билан ҳажмий кичрайишнинг бир текис ва силлиқ ўсиши (7,2% гача) кузатилади.



6-расм. Таркибида Лоғон бентонити 10-40 % (а) ва 50-90 % (б) бўлган икки компонентли тизимдаги намуналарнинг куйдириш ҳарорати ортиб бориши билан ҳажмий кичрайишининг ўзгариши

Намуналар таркибидаги бентонитнинг миқдори камайиб бориши билан пишиш давомида ҳажмий қисқаришнинг нотекис ўзгариши бентонитнинг

полиминерал таркиби ва керамик сополакнинг фазавий таркибини ўзгартирадиган мураккаб физик-кимёвий реакциялар туфайли юзага келади.


Бирок, Ёзьёвон бархан қуми миқдори ошиши билан ҳажмий қисқариш кўрсаткичи сезиларли даражада ошиб боради, бу керамика сополаги таркибида минерал ҳосил бўлишининг физик-кимёвий жараёнларининг бориши ва тугаши билан изоҳланади. Бунда намуналар ҳажми кенгайди, бу ерда очик ғоваклар пайдо бўлиши туфайли сув шимувчанлик 3% гача бўлади (9-жадвал).

9-жадвал

«Лоғон бентонити – Ёзьёвон бархан қуми» икки компонентли тизимдаги керамик массалардан тайёрланган ва 800-1180 °С ҳарорат оралиғида куйдирилган намуналарнинг сув шимувчанлиги, %

Массаларнинг белгиланиши	Тажриба намуналарини куйдириш ҳарорати, °С								
	1000	1010	1020	1030	1040	1050	1060	1070	1080
П-100/0	22,3	20,0	15,4	15,3	15,9	15,1	14,5	7,45	3,0
БП-90/10	20,0	17,5	16,8	14,9	13,6	12,8	10,6	5,7	2,81
БП-80/20	19,6	17,7	16,3	15,5	12,3	10,3	11,4	3,7	0,70
БП-70/30	18,2	18,1	17,7	15,8	12,6	9,6	8,7	2,9	0,67
БП-60/40	21,2	20,1	18,7	17,5	16,5	9,7	5,3	2,4	0,61
БП-50/50	22,3	20,5	19,2	17,8	17,7	11,8	7,4	4,1	0,31
БП-40/60	22,7	21,7	21,1	18,2	17,4	8,4	5,2	4,7	0,24
БП-30/70	23,1	22,4	21,4	19,1	15,8	10,7	9,1	8,2	0,20
БП-20/80	24,9	23,2	21,9	20,7	16,0	10,6	7,7	7,3	0,16
БП-10/90	27,8	27,4	25,0	24,6	20,9	12,9	10,1	8,7	0,11


Бунда тажриба намуналарини куйдириш ҳарорати ошиши билан уларнинг сув шимувчанлиги деярли текис равишда пасайиб боради (7-расм).



7-расм. БП-100/0 – БП-10/90 композицияларидаги намуналарнинг сув шимувчанлигининг уларни куйдириш ҳароратига боғлиқлиги (а, б)

Эриш ҳароратининг ўзгариши ўрганилаётган массаларнинг таркибига боғлиқлигини аниқлаш учун "ишқорий ер бентонит гили - Ёзьёвон бархан қуми - Ангрен глиежи" уч компонентли тизимнинг ҳар бир композицияга мос учбурчик диаграммаси учта политемик соҳаси ўрганилди.


